

НОТИҚЛИК САНЪАТИМИ ЁКИ НУТҚ МАДАНИЯТИ

Қ.А.Мўйдинов

Чирчиқ давлат педагогика университети
Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Нотиқлик кўпроқ нутқнинг мазмунига, мантикий асосларига ва тузилишига эътибор қаратади. Шу билан бирга тилшунослик, фалсафа, мантиқ каби фанлардан олинган назарий билимларга суянган ҳолда тўғри, таъсирли нутқ тузиши йўлларини ўргатади. Нутқ маданияти тилшуносликнинг соҳаси сифатида адабий тил меъёрлари, нутқ, нутқнинг коммуникатив сифатлари, нутқ услублари, нутқда учраши мумкин бўлган камчилик ва хатолар, нутқ талаффузига доир муаммолар юзасидан баҳс юритади.

Калит сўзлар: нотиқлик санъати, нутқ маданияти, нотиқ, нутқ, нутқ услублари, адабий тил меъёрлари, нутқнинг коммуникатив сифатлари.

АННОТАЦИЯ

Ораторское искусство нацелено на содержание, структуру и логическую последовательность речи. Наряду с этим оно обучает приемам построения правильной речи на основе теоретических знаний таких наук, как языкознание, философия и логика. В качестве лингвистической дисциплины культура речи дискутирует вокруг таких вопросов, как языковые нормы, речь, коммуникативные качества речи, стили речи, ошибки и недостатки, допускаемые в речи, а также проблем, связанных с нормами произношения.

Ключевые слова: ораторское искусство, культура речи, оратор, речь, стили речи, нормы литературного языка, коммуникативные качества речи.

ABSTRACT

Oratory is aimed at the content, structure and logical sequence of speech. Along with this, it teaches methods of constructing correct speech on the basis of theoretical knowledge of such sciences as linguistics, philosophy and logic. As a linguistic discipline, the culture of speech discusses such issues as language norms, speech, communicative qualities of speech, speech styles, mistakes and shortcomings allowed in speech, and problems associated with pronunciation norms.

Key words: art of oratory, speech culture, orator, speech, speech styles, norms of literary language, communicative qualities of speech.

КИРИШ

Маълумки, ҳар қандай давлат мустақиллигининг белгиларидан бири унинг давлат тилига эга эканлигидадир. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг

берилиши ва давлат тили ҳақидаги қонуннинг жорий этилиши мустақиллигимиз пойдеворига асос бўлди. Истиклол шарофати билан ўзбек тилининг мавқеи янада тикланди, унинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амал қилинишига катта имкониятлар яратилди. Хуллас, барча жабҳаларда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг ижроси ҳаётга изчил тарғиб этиб келинмоқда, кўламли ишлар қилинмоқда. Олий ўқув юртларининг барча таълим йўналишлари ўқув режаларига мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда нутқ маданияти, нотиқлик санъати фанлари киритилди. Педагогика олий ўқув юртларида “Ўқитувчининг нутқ маданияти”, юридик ўқув юртларида “Юристнинг нутқ маданияти”, иқтисодиёт соҳасида “Иқтисодчининг нутқ маданияти”, Миллий рассомлик ва дизайн, Санъат ва маданият институтларида “Нотиқлик санъати” каби фанларнинг ўқитилиши ҳам фикримизнинг далилидир. Мазкур фанларнинг ўқитилиши ҳар томонлама етук, маҳоратли ва айна пайтда, рақобатбардош мутахассисларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги пайтларда Нотиқлик санъати ва нутқ маданиятини айна бир тушунча деб билувчилар ҳам йўқ эмас. Бу икки тушунчани ифодаловчи фанлар бир-бири билан жуда яқин, айна пайтда бири иккинчисини тўлдирувчи, лекин бошқа-бошқа фанлар эканлигини унутмаслик лозим. Нотиқлик санъати – бу, асосан, нутқнинг оғзаки шакли. Нутқ маданияти эса, нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тааллуқли тушунчадир. Нотиқлик нутқ воситасида кишиларга муайян ғоя ва мақсадларни етказишни, тушунтиришни, таъсирлантиришни, уларни маълум мақсадда сафарбар қилишни кўзда тутди. Нотиқ нутқи кўпчилик тингловчиларга, кенг аудиторияга мўлжалланган бўлади. Нотиқлик кўпроқ нутқнинг мазмунига, мантикий асосларига ва тузилишига эътибор қаратади. Шу билан бирга тилшунослик, фалсафа, мантиқ каби фанлардан олинган назарий билимларга суянган ҳолда тўғри, таъсирли нутқ тузиш йўлларини ўргатади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Нутқ маданияти эса маданий нутқ, тилшуносликнинг соҳаси сифатида адабий тил меъёрлари, нутқ, нутқнинг коммуникатив сифатлари, нутқ услублари, нутқда учраши мумкин бўлган камчилик ва хатолар, нутқ талаффузига доир муаммолар юзасидан баҳс юритади. Унда энг аввало, фикрнинг аниқ, равон, мантиқан тўғри, соф, таъсирли ва мақсадга мувофиқ бўлиши талаб қилинади. Нотиқлик санъатида эътиборни тортиш, таъсирчанликни ошириш мақсадида маълум ўринларда диалектал, жаргон сўзларни ишлатилиш ҳолати кузатилади. Нутқ маданиятида бу ҳолатга йўл

кўйилмайди. Нотиклик санъатида интонация, градация, жест (кўл, юз ҳаракатлари)га кўп эътибор қаратилади. Лекин, ҳар иккисида ҳам фикр ўқувчи ёки тингловчига етиб бориши, маълум таъсир кўрсатишига қараб, яхши намунали нутққа қиёслаб баҳо берилади. Сўзлашдан мақсад – фикр англатиш. Зотан, тилнинг вазифаси ҳам шу. Бир фикрни тилда турли воситалар ёрдамида ифодалаш мумкин. Демак, нотик нутқ маданиятини мукаммал эгаллаган бўлиши, тил воситалардан энг мувофиғини танлай билиши лозим. Бунинг учун у, албатта, ўз она тилини пухта билиши, унинг барча бойликларидан усталик билан фойдалана олиши зарур. Нутқ аниқ ва равшан бўлиши билан бирга тоза бўлиши ҳам шарт, акс ҳолда фикрнинг кучи кетади, сўзловчининг нутқи тингловчига яхши таъсир қилмайди. Ўзбек тилида гапира олиш бу тилни яхши билади дегани эмас. Тилни яхши билиш тилнинг грамматик қонун-қоидаларини, луғат бойлигини ҳамда фонетик ва стилистик хусусиятларини пухта ўзлаштириб олиш билан белгиланади. Кўпинча нотик сўзга чиқишдан олдин фикрларини ёзма шаклда тайёрлайди: нималар ҳақида тўхталмоқчи, қандай мисоллар келтирмоқчи, ана шуларни ёзиб чиқади. Айрим кишилар, айниқса, талаба-ёшлар мақсадларини оғзаки сўзлаб бермоқчи бўладилар-да, кўпчиликнинг салобати босиб, гапларини йўқотиб қўядилар ёки ёзганларини бош кўтармай ўқиб берадилар. Белгиланган қисқа вақт ичида фикрни оғзаки тарзда аниқ, тушунарли қилиб сўзлаш учун мунтазам равишда, кунт билан ишлаш лозим. Нутқда жумлаларни қайта тўғрилаш, ўзгартириш бўлмаслиги керак. Шунингдек, нотикнинг сўз бойлиги ҳам етарли бўлиши лозим. Бунда сўзларнинг фақат миқдори назарда тутилмайди, уларнинг маъноси ҳам асосий ўринда бўлади. Сўзловчи маънодош (синоним) сўзлардан ҳам моҳирлик билан фойдаланиши зарур. Бундай сўзларни ишлатиш нутқнинг ранг-баранглигини таъминлайди. Нотик тилнинг грамматикасини ҳам яхши ўзлаштириб олган бўлиши керак. Грамматика қоидаларига риоя қилишгина нутққа мазмун ва мантиқ киритади. Якка олинган сўзнинг ўзидан мақсад англашилмайди. Фикр англатиш учун у сўз нутқдаги бошқа сўзлар билан грамматик ва семантик алоқага кириши лозим. Баъзан нотиклар нутқида адабий тилимизда ишлатилмайдиган, фақат сўзловчининг ўзи яшаган жой аҳолисигагина маълум бўлган диалектал сўзлар ишлатилади. Аслида нотик нутқида бундай диалектал сўзлар ишлатилмагани маъқул. Баъзи сўзловчилар нутқида эса “демак”, “хўш”, “иннайкейин”, “яъни”, “масалан”, “мисол учун”, “айтайлик” каби сўзлар кўп қўлланади-ки, уларни нотик дейиш ҳам тўғри бўлмайди. Ўринсиз равишда ишлатилган бундай “бекорчи” сўзлар нутқни сийқа қилиб қўяди. Баъзан тингловчилар, талабалар, ўқувчилар нотикнинг, педагогнинг сўзини

эшитгандек кўринишадию, лекин фикрнинг мазмунини ҳис қилишмайди, улар сўзловчи нутқидаги мана шундай кераксиз сўзларни санаш, ҳисоблаш билан банд бўлиб қоладилар. Керак бўлса лақаб ҳам қўйиб олишади. Бундан ташқари ишлатавериб сийқаси чиқиб кетган, чайналган қолип тусини олиб қолган сўз ва иборалар ҳам нутқнинг таъсирини кетказди, уни ўтмас қилиб қўяди. Ўринсиз равишда ўйламай-нетмай, ҳаддан ташқари кўп ишлатиладиган, маъноси зўр ёқимли сўз ҳам кишининг ғашини келтиради, нутқнинг умумий мазмунига, моҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Рус тили ёки у орқали бошқа тиллардан кириб келган сўзларнинг ўринсиз ишлатилиши ҳам нутқни хиралаштиради. Бундай сўзлар мияга ҳам, юракка ҳам озуқа бермайди, кишига қаттиқ таъсир қилиб, унинг эътирозига сабаб бўлади. Абдулла Қодирий: “Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак”,- деган эди. Таниқли адибнинг ёзувчиларга қарата айтган бу сўзлари барчага бирдек тааллуқлидир. Абдулла Қаҳҳорнинг “Оғрик тишлар”, “Нотик” , “Қуюшқон” ҳикояларида ҳам ана шундай нўноқ нотикнинг қиёфаси жуда яхши чизиб берилган.

ХУЛОСА

Шундай экан, нотик барча тушуна оладиган, содда ва равон тил билан гапириши керак. Дабдабали, баландпарвоз сўзларни, четдан кирган сўзларни, тингловчиларга нотаниш бўлгансўзларни ишлатмагани маъқул. Нотик ўз соҳасидаги илмий ютуқлар ва ижтимоий ҳаётда бўлаётган ўзгаришлардан доимий хабардор бўлиб турмаса, ўз устида ҳар кун, ҳар соатда мустақил ва муттасил ишламаса, у чин маънодаги замонавий ўқитувчи-нотик бўлиши қийин.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Арипова А. Нотиклик ва унинг лисоний-услубий воситалари. Тошкент, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2007.
2. Бекмирзаев Н. Муаллимнинг ён дафтари. Тошкент, “Мухаррир” нашриёти, 2011.
3. Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. Тошкент, “Маънавият” , 1999.
4. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. Тошкент, “Алишер Навоий номидаги ”Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
5. Нусратилла Жумахўжа. Истиклол ва она тилимиз. Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 1998.
6. Р. Расулов., Қ. Мўйдинов. Нотиклик санъати ва нутқ маданияти. Тошкент, 2004.